



**«ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ  
МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН  
Фойдаланиш асосида импорт ўрнини  
босувчи маҳсулотлар ишлаб  
чиқаришнинг долзарб масалалари»  
мавзусида республика илмий-амалий  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛАРИ**

**(2017 йил 27-28 апрел)**



**НАМАНҒАН -2017**

102	<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ.</b> Казаков О.С.-НамМТИ	222
103	<b>ЕР СУВ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ-ЭКОЛОГИК МУАММОНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ.</b> И.Махкамов, Т.Махмудов - НамМТИ	224
104	<b>АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ -ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОМАШЁЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ГАРОВИ.</b> Б. Дедажанов и.ф.н., доц. НамМТИ	227
105	<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.</b> Б.Дедажанов и.ф.н., доц.,Р. Каримжанова катта ўқитувчи - НамМТИ	229
106	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ХОМ АШЁСИ ВА САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ</b> М.А. Абдурахманов, С.Ш.Бахриддинов - НамМТИ	231
107	<b>ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР</b> Казаков О. С., Мадияров Ғ., Убайдуллаев Л. - НамМТИ	234
108	<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ, ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.</b> Давлятов А., Қозоқов С. О. талаба Наманган муҳандислик технология институти	237
109	<b>ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.</b> И.ф.н., доцентлари Ғ.Мадияров, О.С. Казаков, Л.Убайдуллаев - НамМТИ	239
110	<b>КОСОНСОЙ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.</b> М.М. Ҳамраев Косонсой Давлат ўрмон хўжалиги ўрмон устаси, Казаков О.С. - НамМТИ	241
<b>V– ШҶЪБА:</b>		
<b>КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ САНОАТИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ</b>		
111	<b>ОДДИЙ ХАЙДАШ ҚУРИЛМАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ПОЛИЭТИЛЕН МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СИНОВ ТАЖРИБА ҚУРИЛМА КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ.</b> Ж.М. Қодирхонов ассистент, Бахриддинова Ш.Р. талаба - НамМТИ	243

оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш режалаштирилган.

2017 йилда пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш режалаштирилмоқда. Қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш белгиланган:

- 8,1 минг гектар ерга картошка;
- 27,2 минг гектар ерга сабзавот;
- 5,9 минг гектар ерга интенсив боғ;
- 2,9 минг гектар ерга тоқзор;
- 10,9 минг гектар ерга озуқа экинлари;
- 4 минг гектар ерга мойли экинлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу қисқартирилган экин майдонлари ўрнига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашё базасини, мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига тўлдириш ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтиришга олиб келади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлаш ҳамда четга экспорт қилишда корхона бевосита маркетинг стратегияси ва тактикасидан фойдаланиш зарур. Бу эса, чекланган ресурслардан оптимал фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини қисқартиришга олиб келиш билан бирга бозорда ўз улушини оширишга олиб келади.

## **КОСОНСОЙ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

М.М. Ҳамраев Косонсой Давлат ўрмон хўжалиги ўрмон устаси,  
Казаков О.С. - НамМТИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг бугунги кундаги даражасида барча ҳудудлардаги иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Табиат томонидан бизга инъом этилган ресурслардан оқилона фойдаланиш барча мамлакатларда энг муҳим масалалар қаторидан ўрин олмоқда. Мамлакатимизнинг катта қисми тоғ ва тоғолди ҳудудларидан таркиб топган. Улардаги табиатни асраш билан бир қаторда, уларда мавжуд бўлган хом ашё ресурсларидан иқтисодиёт ривожини йўлида фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакатимизда ташкил этилган Давлат ўрмон хўжаликлари экологик муҳитни сақлаш билан бир қаторда мамлакат аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳалари учун зарур бўлган хом ашё ресурсларини етиштириб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфидаги Косонсой Давлат ўрмон хўжалигининг умумий майдони 3552 гектарни ташкил қилиб, унинг 118,5 гектари ўрмон билан қопланган майдон, 2544,1 гектари яйловлар, 6,2 гектари боғлар ва узумзорлар, 83,9 гектари туташмаган ўрмонлар, 32,1 гектари сийрак ўрмонлар ва турли тоифадаги ерлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бир гектаридан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ўрмон хўжалигининг маданий ва туташмаган ўрмонзорларида турли мевали дарахтларни парваришlashга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маданий ўрмонзорларнинг 30,1 гектарига ширин бодом, 14,8 гектарида аччиқ бодом кўчатлари, 48,3 гектарида грек ёнғоғи, 8,0 гектарида эса наъматак парваришланмоқда. Улардан олинадиган мевалар аҳолига истеъмол учун ҳамда фармацевтика саноатига турли дори-дармонлар тайёрлаш мақсадида жўнатилмоқда. 2017 йилга келиб бу ерларда мавжуд бўлган наъматак экилган майдон 10,6 гектарга етказилди ва бу доривор маҳсулотга бўлган талабни тўлароқ қондиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўрмон хўжалигида туташмаган ўрмонзорларда ҳам турли доривор ва истеъмолбоп маҳсулотлар етиштиришга ҳаракат қилинмоқда. 2017 йилга келиб ўрмон хўжалигининг туташмаган ўрмонзорларидаги ширин бодом майдонлари 2,6 гектардан 5,6 гектарга оширилди, писта экилган майдон 15,0 гектардан 55,0 гектаргача етказилди, яъни 2017 йил давомида 40,0 гектар майдонга писта кўчати экилди.

Косонсой Давлат ўрмон хўжалигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган турли гиёҳ ва меваларни етиштиришга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Ўрмон хўжалиги ҳудудида мойчечак, арслонқуйруқ, жағ-жағ, арпабодиён, канакунжут, қизил дўлана, макка попуғи, наъматак, тирноқгул, топинамбур ҳамда бошқа гиёҳ ва меваларни етиштириш йўлга қўйилган. Ушбу доривор ва озуқабоп ўсимликларни экиш учун 2207 кг уруғ тайёрланди. Бу ўсимликларни экиш учун 13,4 гектар ер тайёрланди. Бу ўсимликларни экиш ва улардан доривор маҳсулотлар тайёрлаш аҳоли саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Амалга оширилган бу каби тадбирлар тоғ ва тоғолди ҳудудларида маҳсулотлар етиштириб мамлакат ялпи ички маҳсулотини оширишга хизмат қилади. Шу билан биргаликда, бу соҳада ишлар самарали бўлиши учун қатор тадбирларни амалга оширилишини талаб қилмоқда. Жумладан, ўрмон хўжалиги ҳудудларидаги яйловларда чорва хайвонларини боқиш меъёри бўлиб, бу меъёрга амал қилиш тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги экологик аҳволни сақлашга ва яхшилашга олиб келади. Ўрмон хўжаликларининг фаолиятида таълим муассасаларининг, жумладан олий ўқув юртларининг талабалари ҳам қатнашиши йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар бу ҳудудларни ўрганиш орқали турли лойиҳаларни амалга оширишларига имкон туғилар эди.

